



АССАЛОМ, КЕЛАЖАК, АССАЛОМ, ЯНГИ ОРЗУЛАР! 2



АҚШнинг ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ? 4



«ХОВОС СИТИ» ВА «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН» ШАХАРЧАЛАРИ... 5

ДЕПУТАТЛАР ФИКРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари нафақат қонунлар лойиҳаси муҳокамаси буйича баҳс-мунозара юритишмоқда, айни чоғда мамлакатимиздаги воқеа-ҳодисаларга фаол муносабат билдиришмоқда. Фикрлар хилма-хиллиги ҳақиқатни юзага чиқаришга, демократик жараёнларни чуқурлаштиришга хизмат қилади. ЎзХДПдан сайланган депутатлар қандай фикрлар билдиришмоқда?



№ 41 2020-йил, 18-ноябр Chorshanba (32.636)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-йил 21-iyundan chiqa boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

O'zbekiston OVOZI

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун



Европадаги энг баланд тоғ чўққиси Эльбурс (5642 м.)да мамлакатимиз байроғи ҳилпирамоқда. Сурапта: ҳамюртимиз Саид Тўлаганов, 2017 йил 20 июль.

Юртимиз байроғини халқаро майдонларда

72 мартаба юқорига кўтарган таълим даргоҳи

Бугун давлатимиз суверенитетининг рамзларидан бири – мустақил Ўзбекистон Республикасининг "Давлат байроғи тўғрисида"ги қонуни қабул қилинганга 29 йил тўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 18 ноябрдаги навбатдан ташқари VII сессиясида тасдиқланган Давлат байроғи мамлакат давлат суверенитетининг рамзи ҳисобланиб, ер юзининг барча сарҳадларида мустақил Ўзбекистон давлати борлигини аниқлаштириш ва ўзида миллий-маданий анъаналаримизни мужассамлаштиради.

Миллий байроғимизнинг давлат идора ва муассасалари, ўқув юртлари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб туриши, турли байрам ва тантаналарда, мамлакатимиз вакиллари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимизнинг шайни, халқимизнинг гурурини ёрқин акс эттириши барчамизга ифтихор бахш этади. Масалан, халқаро спорт мусобақаларида, халқаро ва жаҳон фан олимпиадаларида юртимиз вакиллари эришган галабалар

шарафига Ватанимиз байроғи баланд кўтарилган лаҳзаларда ҳар биримиз чексиз ҳаяжонга тушамиз, ҳеч қимдан кам эмаслигимизни ҳис қиламиз.

Хусусан, биргина бизнинг академик лицейимиз ўқувчилари нуфузли жаҳон ва халқаро фан олимпиадаларида кўлга киритган олтин, кумуш ва бронза медаллари шарафига юртимиз байроғи охириги 10 йилда 72 мартаба юқорига кўтарилди.

Ўрни келганда шуни айтишни истардимки, академик лицейимиз ўқувчилари Россия, АҚШ, Туркия, Қозғоғистон, Жанубий Корея, Сингапур, Дания, Индонезия, Швейцария, Вьетнам, Озарбайжон, Грузия, Таиланд, Беларусь, Эрон, Арманистон, Словакия ва Чехия, Франция ҳамда Венгрия каби давлатларда бўлиб ўтган халқаро ва жаҳон фан олимпиадаларида ўз йўналишларида илмда тенгсиз эканликларини кўрсатишди.

Буни уларнинг ўтган йиллар давомида жаҳон фан ва халқаро Менделеев олимпиадаларида муносиб иштирок этиб, 11 та олтин, 20 та кумуш ва 41 та бронза медалларига сазовор бўлганидан ҳам билиш мумкин. Янада аниқроқ айтилган бўлса, сўнгги 3 йилда академик лицейимиз ўқувчилари жаҳон ва халқаро фан олимпиадаларида муносиб иштирок этиб,

6 та олтин, 12 та кумуш ва 17 та бронза медалларига сазовор бўлишди. Жамоамизнинг яна бир энг катта ютуғи — жорий йилда 31-Бутунжаҳон биология фан олимпиадасида лицейимиз ўқувчиси иштирок этиб, олтин медални кўлга киритди. Бу медал Ўзбекистон таълим тизими тарихида биология фанидан олинган ilk олтин медалдир.

Бу ютуқлар биринчидан, мамлакатимизда истеъдодлар кўплигини кўрсатади. Иккинчидан, давлатимиз томонидан истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш учун қилинаётган беқиёс ишлар ва фидойи ўқитувчиларимизнинг заҳматли меҳнати самарасидир.

Ишончимиз комил, шогирдларимиз бундан кейин ҳам янада кўпроқ ютуқларга эришишди ва Ватанимиз байроғи юксакларга кўтарилмаверади.

Ортиқбай ЭШАНҚУЛОВ, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицей директори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.



Нуриддинжон ИСМОИЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун барча соҳаларда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар Президентимиз бошлаб берган янги ва истиқболли сиёсатнинг ёрқин самарасидир. Бу жараёнда касба уюшмалари ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётганини эътироф этиш жоиз. Бугун қонуний асослари такомиллаштирилаётган Ўзбекистон касба уюшмалари федерацияси давлат идораларининг йирик ижтимоий ҳамкорига айланади.



Шерзод РАҲМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ХДП фракцияси аъзоси

Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижроси ҳақидаги ахборот ва маълумотлар соҳа ҳамда тармоқлар даражасида очик бўлмаса, парламент, жамоатчилик назорати учун шариот яратилмаса, бюджет ижроси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиб бўлмайди. Бу ҳақидаги маълумотларнинг очиклик даражасини ошириш буйича ҳукумат томонидан янгича ёндашувлар тўғрисида ўйлаб кўриш керак.



Сафар ОСТОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ХДП фракцияси аъзоси

Камбағалликни қисқартириш буйича мамлакатимизда жиддий ишлар амалга оширилмоқда, стратегик режалар ишлаб чиқилмоқда.

Бирок бу жараёнда бюрократия, коррупция ҳамон тўсиқ бўлиб келаяпти. Одамларга — тадбиркорларга йўл бўлиса, таклиф ва ташаббуслар қўллаб-қувватланса, одамлар ўзини унглаб олади, ўзини ўзи боқа олади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари нимадан норози?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Дастлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилнинг 9 ойлик ижроси яқунлари чуқур танқидий-таҳлилий кўриб чиқилди.

Авалло таъкидландики, Давлат бюджети ижросида мамлакатимизда олиб борилаётган аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсати ўз аксини топган. Пандемия даврида бу масала, айниқса, долзарбдир.

Йиғилишда Давлат бюджети ҳақидаги ҳисоботни такомиллаштиришда Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари берган таклифлар инobatта олингани, аввалги йиллардаги ҳисоботларда очикланмаган маълумотлар бу йилдан батафсил тақдим этила бошлангани қайд этилди.

Депутатлар партия Сайловотида дастурдаги устуворликлардан келиб чиқиб, Давлат бюджети

ижросида ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги тадбирларнинг молиялаштирилишига алоҳида эътибор қаратишди. Таълим, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, нафақа ва пенсиялар тайинлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Пандемия билан боғлиқ бутун дунёдаги чекловлар мамлакатимиз иқтисодиётига, аксарият кўрсаткичларга таъсир ўтказган, албатта. Қайд этилдики, 2020 йилнинг ўтган 9 ойи якунига кўра, мамлакатнинг ялли ички маҳсулоти ҳажми жорий нархларда 408,3 триллион сўмини ташкил этган ҳолда, ўтган

йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизга ўсди.

Давлат бюджети ижросида асосий саъй-ҳаракатлар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳамда мамлакатимизда коронавирус инфекциясига қарши курашиш ва глобал инқироз оқибатларини бартараф этишга йўналтирилмоқда.

Жорий йил 9 ойда Давлат бюджети даромадлари 94 457,2 млрд. сўмини ташкил этган бўлса, харажатлар (давлат мақсадли жамғармаларисиз) 102,164,8 млрд. сўмга етган. Ҳисобот даврида ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун 53 685,3 млрд. сўм (умумий харажатларнинг 52,5 фоизи) сарфланди. Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилгани Халқ демократик партияси дастурий мақсадларига мувофиқ келади.

Давоми 2-бетда.

ТУҒИЛГАНЛИКНИ ҚАЙД ЭТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ КОМПЛЕКС ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КўРСАТИЛАДИ

Манба: 704-сон, 10.11.2020 й. anhuqub.uz/abxbot

Infographic showing service steps: 1. Birth registration, 2. Information system, 3. FIDR, 4. Pension, 5. Birth registration, 6. Birth registration, 7. Pension, 8. Birth registration.

Жо Байден қарама-қаршиликлар гирдобода қолган Американи бирлаштиришни мақсад қилган. «Агар менга президентликни ишонсангиз, мен зулматнинг эмас, ёруғликнинг иттифоқчиси бўламан», деганди.

АҚШНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ?



АҚШ президентлик сайловида демократлар партиясидан номзод қилиб курсатилган Жо Байден галаба қозонди. Бу ҳақда АҚШнинг бир қатор йирик нашрлари хабар тарқатди.

Жо Байден АҚШ президентлиги учун сайловда 279 делегат овозига эгалик қилмоқда, президентликка сайланиш учун 270 овоз етарли ҳисобланади.

Сўнги кунларда сайлов тақдирини ҳал қилувчи штатлардан бири Пенсильванияда Барак Обама даврида вице-президент бўлган Жо Байденнинг устунлиги узил-кесил тасдиқланди - бу штат номзодга яна 20 овоз тақдим этди, натижада унинг делегатлари уни президентликка сайланиш учун зарур бўлган 270 дан ошди.

ЖО БАЙДЕН КИМ?

Жо Байден 77 ёшда, у Америка тарихида энг кенга ёшда президент бўлган илк сиёсатчига айланмоқда. Байден бутун умр сиёсат билан шуғулланган: у 30 ёшидаёқ сенатор бўлган. Байден — президентликка номзодлар орасида америкаликларнинг энг кўп овозига эга бўлган сиёсатчига айналди, ҳозиргача 74,5 миллион америкалик унга овоз берган.

35 йилдан ортиқ вақт давомида Делавэр штатидан сенатор бўлган ва 44-президент Барак Обама маъмуриятида вице-президент лавозимини эгаллаган Байден демократлар партиясининг энг оғирли ва таърибли вакилларидан бири ҳисобланади.

Жо Байден 1942 йилда Пенсильвания штатининг Скрантон шаҳрида туғилган. У американи-ирланд католиклари оиласида тўрт фарзанднинг тўнчи бўлган. Отаси Жозеф Робинетт Байден (1915-2004) банкротга учраган тадбиркор эди. У Жо ўрта мактабда ўқибтганида яна оёққа туради ва муваффақиятли автомобиль сотувчисига айланади.

Байден дастлаб Делавэр штатидаги университетда тарих ва сиёсатшунослик бўйича ўқийди. Кейин эса Нью-Йоркдаги Сиракуза университетида ҳуқуқшунослик йўналишида тахсил олади. Уқишни тамомлагач Байден Делавэр штатининг Уилмингтон шаҳридаги юридик фирмада фаолиятини бошлайди.

Жо Байден икки президентлик мuddатида ҳамкорлик қилади. Улар шу қадар яқин эдики, Байден тез-тез Обамани ўз укаси деб атарди. Президентлигининг сўнги кунларида Барак Обама Жо Байденни мамлакатнинг энг юқори фуқаролик мукофоти, президент озодлик медали билан тақдирлади.

БАЙДЕН НИМАЛАР ВАЪДА ҚИЛГАН?

Жо Байден қарама-қаршиликлар гирдобода қолган Американи бирлаштиришни мақсад қилган. «Агар менга президентликни ишонсангиз, мен зулматнинг эмас, ёруғликнинг иттифоқчиси бўламан», деганди у 20 август куни АҚШ президентлиги учун Демократик партиядан расман номзод бўлганида. «Барчамиз учун бирлашиш вақти келди», дея қўшимча қилганда сиёсатчи ва барча учун, шу жумладан, ўзига овоз бермаган америкаликлар учун ҳам «қаттиқ меҳнат қилишни» айтганди.

БАЙДЕН МИЛЛИОНЛАБ ЯНГИ ИШ

ловларни эрта тарқ. Ушанда асосий босқичга партиядан Барак Обама чиққан ва у президентликка ҳам сайланган, Байден эса сиёсий фаолиятда янги босқичга кўтарилган - Обама ҳукуматида вице-президент сифатида иш бошлаган.

Обама ва Байден икки президентлик мuddатида ҳамкорлик қилади. Улар шу қадар яқин эдики, Байден тез-тез Обамани ўз укаси деб атарди. Президентлигининг сўнги кунларида Барак Обама Жо Байденни мамлакатнинг энг юқори фуқаролик мукофоти, президент озодлик медали билан тақдирлади.

Яна бир синов Байденни таъкиб қилишда давом этади. Унинг катта ўғли Бо 46 ёшида мия саратонидан вафот этади. Уни сиёсат осмонидаги ёрқин юлдузлардан бири ҳисобланган Жо Байденнинг сўнги кунларида Барак Обама Жо Байденни мамлакатнинг энг юқори фуқаролик мукофоти, президент озодлик медали билан тақдирлади.

Жо Байден америкаликларни ниқоб тақиш, ижтимоий масофага риоя қилиш ва касалликка жиддий қарашга чақирмоқда. Байден Оқ уйга келганидан сўнг биринчи кунданок пандемияга қарши курашиш бўйича режасини тақдим этиш ва федерал миқёсда ниқоб тақиш режimini жорий этишга ваъда берган.

Жо Байден америкаликларни ниқоб тақиш, ижтимоий масофага риоя қилиш ва касалликка жиддий қарашга чақирмоқда. Байден Оқ уйга келганидан сўнг биринчи кунданок пандемияга қарши курашиш бўйича режасини тақдим этиш ва федерал миқёсда ниқоб тақиш режimini жорий этишга ваъда берган.

йўқлиги аён бўлса, президент курсисини рақибига бўшатиб беришга тайёр. The New York Times нашрининг хабар беришича, президент ўз рақибига Жо Байденнинг галабасини яқин орада тан олмақчи эмас.

АҚШнинг бир қатор етакчи ОАВ прогнозларида кўра, Байден галаба учун зарур бўлган овозларни тўплаб бўлди. Бироқ Трамп галаба қозонгани ва сайловларда «ёмон ишлар» юз бергани, жумладан овозлар ҳисобланган баъзи жойларга қузатувчилар киритилмаганини таъкидламоқда ҳамда овоз бериш ва уларни ҳисоблашда назорат қилувчи ҳеч қандай қузатувчилар йўқлигидан, сайловда демократларнинг овозларни ўғирлашга уриниш ва почта орқали овоз беришдан ҳам норози бўлмоқда.

Трамپнинг штаб-квартираси демократлар бюллетенларни қайта ишлаш тартибини республикачи қузатувчиларнинг яшираётганини таъкидлаб, бир неча тақдирларда қайта ҳисоблашни талаб қилмоқда.

БУЁҒИГА НИМА БўЛАДИ?
Одатда мағлуб бўлган номзод дарҳол буни тан олади, аммо АҚШ тарихида энг ноодатий президент бўлган Трамп бир неча фронтларда баҳslashувни давом эттирмоқчи.

Натижалар ўртасидаги фарқ бир фоиздан кичик бўлган Жоржияда овозлар қайта ҳисобланади, Трампнинг штаби натижалар бўйича баҳslashмоқчи. Президент сайловлардаги натижалар юзасидан Олий судга ҳам мурожаат қилишини айтган.

Агар сайлов натижаларига эътироз билдирилса, номзодларнинг ҳуқуқшунослари ўша штатлар судларида учрашади. Судья даъвога қабул қилинади ва овозларни қайта ҳисоблаш бўйича қарор чиқариш мумкин, бу қарор устидан Олий судга апелляция билан мурожаат қилиш ҳам мумкин.

Айни вақтда айрим штатларда овозларни қайта ҳисоблаш давом этмоқда ва штат маъмурилари эълон қилган ҳолатида ҳозирги натижалар расмий деб ҳисобланмайди. Оддатда штатлар маъмурилари натижани эълон қилиши сайловдан кейинги бир неча ҳафта ичида бўлади.

14 декабрь куни сайловчилар ҳайъатининг 538 аъзоси қўшни расман эълон қилиш учун йиғилади. Сайловчи делегатлар ўз штатидаги сайловчиларнинг танловини ифода этади - штатда қим устунлик қилган бўлса, ундаги делегатларнинг барчаси овозини ўша номзодга беради.

Янги президент кейинги йилнинг 20 январидан лавозимига киришади ва ҳукумат аъзоларини тайинлаб, вазифаларини белгилаб олади. Маросимдан сўнг янги президент Оқ уйга йўл олади ва тўрт йиллик бошқарувини бошлайди.

Интернет материаллари асосида Шуҳрат ИСЛОМОВ тайёрлади.

БАҒРИ КЕНГ, МЕҲРИБОН УСТОЗ ЭДИ



Журналистлар устози Сайди Умиров 82 ёшда вафот этди

Сайди Умировнинг вафоти Ўзбекистон журналистлари, журналистикаси учун катта йўқотиш бўлди, десак, дилимиздаги фикрларни тўлиқ ифодаламаган бўламыз. Журналистларнинг бир неча авлоди ўз устозини йўқотди, журналистика деган оламга эндигина қадам қўяётган ёшлар ҳам аллома устоз сабоқларидан бебаҳра қолди, десак ҳам бу йўқотиш қанчалик катталлигини аналитика олмаймиз.

Сайди Умиров биз журналистлар учун нафақат устоз, балки қайси биримизга отадек, қайси биримизга акадек меҳр кўрсатиб, яхшиликлар қилган инсон эди. У шунчалик бағри кенг устоз эдики, шогирдларнинг матбуотда чиққан мақолалари, шеърлари ёки чоп этилган китобларини кўриб, кўзлари кувониб, мактаб юрарди. Сайди Умиров ҳақиқий маънода хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси эди.

Ҳаловат билмай, тинимсиз ижод қилгани, тахририятма-тахририят юрганлиги, энг долзарб мавзуларда ёзган мақолалари учун «Олтин қалам» мукофотига муносиб қўрилганда, барча шогирдлар бирдек қувонганмиз.

Сайди Умиров устозлик қилган журналистлар бугун барча газеталар тахририятларида, радио ва телевидения каналларида меҳнат қилаётганлиги ҳам ҳақиқат.

Устоз бизнинг тахририятга ҳам тез-тез келиб турарди. «Бир нарса ёздим, кўрасизларда», дея мақоласини ташлаб кетарди. Мақолага чиққач, ё келиб, ё кўнгириқ қилиб раҳмат айтарди. Бағри кенглиги қатори камтарлиги ҳам ибратли эди. Сайди Умировнинг юзлаб мақолалари, «Санъатнинг сехрли калити», «Даъваткор сўз», «Сехрли ва меҳрли сўз», «Толибнома» каби китоблари журналистикамизнинг мулки бўлиб қолди. Энди бу мақолалар ва китоблар ёш ижодкорларга сабоқ беради.

Устозни энди кўрамаймиз. Бу — оғир айрилиқ. Аммо бизга қилган яхшиликларига, журналистикамиз тарақиётига қўшган улкан ҳиссаси унутилмайди. Давраларда кўп-кўп гапирилади. Сайди ака Умировни ҳар эслганимизда, унинг самимият балқиб турган табассумли чеҳраси, қулгullари кўз ўнгимизга келаверади. Гўё у ғанимизда тургандек, биз билан суҳбатлашаётгандек туюлаверади. Бир умр шундай бўлиб қолади.

Бир умр шундай бўлиб қолади

МАЪНАВИЯТ

КЕЧА БУГУННИНГ ПОЙДЕВОРИ

Баъзан қулоғимизга «Кечаги кун ўтди кетди. У ҳеч қачон қайтмайди энди. Уни эслашнинг ҳам фойдаси йўқ», деган гаплар чалиниб қолади. Лекин, кечаги кун қайтмайди. Лекин, биз кечаги кун ташвишу қувончлари ичида яшаб, не-не янгиликлар, не-не оламшумул воқеалар, не-не кашфиётлар-у, не-не шодийналарнинг шоҳиди бўлиб, улардан хулоса чиқариб, бугунга кириб келдик-ку.

Хотирамиз дафтарининг оппоқ варақларига ёзилган кечаги кун таассуротларини ўчиришимиз мумкинми? Йўқ! Чунки, у бизнинг ўтимишимиз, ҳаётимизнинг тарихга айланган ёрқин бир саҳифаси. Биз бу тарихдан сабоқ олиб, эзгу ниятлар билан янги кунга қадам қўямиз. Ва албатта, қўрган-билганларимизнинг, ўз ақл-идрокимиз билан яратганларимизнинг ўзимиз ва жамиятимиз тарақиёти учун энг зарурларини кечаги кундан бугунга олиб ўтамыз. Бунирнинг хосияти шундаки, у янги кундаги хайрли ишларимизга илҳом, куч-гайрат, кут-барака, омад бағишлайди. Оруларимиз-у, улўғ мақсадларимизнинг амалга ошишида йўл кўрсатади, зафар кучишимизда қанот бўлади. Бугина эмас, тарихга айланган ҳар бир кунимиз, ой, йил ва асримиз ўзгичимизни теран англашга, буюк ажодларимизга муносиб бўлишга, яратиш ва яшатиш иши билан яшашга, ва албатта, ўзимизни дунёдаги энг билимдон ва энг қудратли миллатлардан бири сифатида кўрсатишга ундайди ҳам. Адабийёт эса ана шу буюк тарихимизни авлоддан-авлодга етказувчи, халқимизни камил инсонлар қилиб тарбияловчи «атомдан кучли» бир воситадир.

Ана шундай ўй-хаёллар билан «Адиблар

ҳиёбони»га кириб борар эканман, одатимга кўра, шеърият султони Алишер Навоий ҳайкали пойида тўхтаб, қўлимни кўксимга қўйганча таъзим қилдим-да, боғ томон ўтирдим. Боғ эмас, жаннатнинг ўзгинаси. Куз охираб богаётганига қарамай, ҳайкаллар-у, йўлақлар атрофидаги турфа ранг гуллар худди ёздагидек яшнаб турар, дарахларнинг саргайган барглари эринибгина учиб тушар, бу ердаги сокинлиги мусоффо ҳаводан ҳузурланиб ўтирган улўғ ёзувчи ва шоирларимиз Навоийдан нигоҳ узмай, меҳр-муҳаббат ила шеър тинглаётган эдилар. Ҳа, айнан шундай эди. Мен ҳам ҳазрат томон юз буриб, мана бу ҳикматни тингладим:

**Олтин-кумуш этма касб давлат куниндин
Ким, тортар адаб улусни, меҳнат туниндин.
Гар йўқтур адаб, не суд олтун униндин,
Элнинг адаби хушроқ эрур олтуниндин.**

Мир Алишер «Қани, давом этинг!» маъносида Бобур Мирзога боқдилар. Ул зоти олийлари миннатдорлик ила рубоиларидан бирини ўқий бошладилар:

**Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир!
Ҳар кимки жафо қилса жафо топқусидир!
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазао топқусидир!**

Ана шундай гўзал, ана шундай жозибали мисралар билан мушоирага Фафур Ғулум қўшлди:

Азиз асримизнинг азиз оналари, азиз одамлардан сўрайди қадрин.
Фурсат ганиматдир, шох сатрлар-ла,
Безамор чоғидир умр дафтарин...

Ана шундан кейин шеърхонлик қизигандан қизиди. Ҳамид Олимжон, Ойбек, Зулфияхоним, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов... Эҳ-ҳе! Шоирмисан шоирлар мушоираси ҳақиқий шеърият байрамига айланди. Университету институтлардан ташриф буюрган гулрор-гулрос профессор-ўқитувчилар-у, талабаларни айтмайсизми? Бирам хурсандки, ҳеч қўяверинг! Қарсақлари оламни тутгудек.

Кейин... Кейин жамоалар қучоқ-қучоқ гул билан шоиру адиблар ҳайкаллари пойига йўл олдилар. Назмага нарс қўшилиб, бадий



ўқишлар-у, кичик саҳна асарлари намойишлари ўзгача бир завқу-шавқ билан давом этди. Буюк шоирлар сиймоларида намоён бўлган Тошкент молия институту талабалари ХХ аср уzbek адабиётининг йирик вакили, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини астойдил ўрганаётганликларини яна бир бор ёрқин намойиш этдилар. Адибнинг «Анор» ва «Бемор» ҳикоялари асосида институт талабалари тайёрлаган кичик саҳна асарлари тадбир иштирокчиларининг олқиларига сазовор бўлди. Институтнинг ёшлар билан ишлаш масалалари проректори вазирасини бажарувчи Ўктам Норбоев, молия факультети декани Фарҳод Муҳаммедов ва Абдулла Қаҳҳор уй-музейи директори Санобар Матлубовалар адиб

асарларида ёшлар мавзусининг ёритилиши, уларнинг янги замон кишисини оқсак маънавиятти қилиб тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида фикр юритиб, талабаларнинг қатор саволларига жавоб бердилар. Ёзувчининг «Сароб» романи ва «Ўтмишдан эрталар» қиссаси ҳақидаги баҳо-мунозаралар эса талаба-ёшларнинг адиб ижодида бўлган қизиқишлари тобора ортиб бораётганлигини кўрсатди.

Бу маскандаги мушоира, учрашув, сабоқлар ёшларда адабиётга бўлган меҳр-муҳаббатни янада мустаҳкамлайди, юксак маънавиятнинг камол топтиради, уларни ватанни севишга ўргатади.

**Нуриддин ОЧИЛОВ,
Тошкент молия институту
илмий-адабий маслаҳатчиси.**

БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Болалар ҳаётимиз давомчилари, келажакимиз эгаларидир. Бинобарин, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш муқаддас бурчдир.

20 ноябрь – “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинган кун муносабати билан “Камалак” болалар ташкилоти томонидан “Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги камчиликлар, муаммолар ва ечим” мавзусида I халқаро онлайн-конференция бўлиб ўтди.

Унда Олий Мақлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Ўринбосари – Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари, журналист ва блогерлар ҳамда худудлардан ташриф буюрган “Камалак” болалар ташкилотининг фаол сардорлари иштирок этди.

Мамлакатимизда ёшларнинг, болаларнинг маънавий ва жисмоний баркамоллиги давлатимизнинг бош сиёсатида айланди. Ёш авлод камолоти йўлида сарфланаётган маблағ ва ресурсларга келажакка тикланган сармоғи, деб ёндашилаётгани айти мудоаодир. Бу маблағлар келажакда мамлакатга, жамиятга нафи тегадиган ёшлар кўлайишига замин яратад.

Тадбирда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Германия, Туркия, Жанубий Корея, Россия, Украина, Беларусь ва Қозғистон давлатларидаги вакиллари иштирок этиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Бола ҳуқуқлари доир биринчи ва асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжат – Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция БМТ томонидан 1989 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган. 54 молддан иборат ушбу конвенция айти пайтда бола ҳуқуқларининг халқаро миқёсда ҳимояланишига хизмат қилиб келмоқда ва у бола ҳуқуқларида доир миллий қонунчилиқни ривожлантиришнинг мукамал аhdосаси саналади.

**Моҳирнур ҚўДАТҲУЛЛАЕВА,
ЎзА**

Сув тошқинидан зарар кўрганларга оиласига қараб, 2-3 хонали кўп қаватли уйлاردан хонадон берилди. Эски уйлари ўрни, томорқалари ҳам ўзларида қолдирилди.

МЕДИА-ТУР

«ХОВОС СИТИ» ВА «ЯНГИ ЎЗБЕКISTON» ШАҲАРЧАЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ КЎРКИГА КЎРК, КУЧИГА КУЧ ҚЎШДИ,

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси ва Сирдарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Журналист ва ҳаёт» лойиҳаси доирасида Сирдарё вилоятининг Ховос ҳамда Мирзаобод туманларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, хусусан, янгидан барпо этилган «Ховос сити» ва «Янги Ўзбекистон» шаҳарчалари билан марказий оммавий ахборот воситалари ходимларини яқиндан таништириш мақсадида медиа-тур ташкил этилди.



Кўплаб янги саннат зоналари барпо этилиб, минглаб одамлар доимий иш билан таъминланди

Оху нолаларим яратганга этиб бориб, менга ҳам давлатимиз томонидан бепул 2 сотих, 3 хонали, рўзгор учун зарур бўлган барча жиҳозлар билан таъминланган уй-жой берилди. Қўшимчасига, касаначилик қилиш қўлимдан келишини айтгандим, туман ҳокимлиги томонидан менга тикув машинаси беришди. Ҳозир уйда тикувчилик қилиб пул топяяпман.

таъминланган ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларга 49 та 2 сотихли, 3 хонали уйлар бунёд этилиб, уй-жойга энг эҳтиёжманд оилалар рўйхати шакллантирилиб, уларга ушбу уйлар рўзгор учун зарур бўлган барча жиҳозлари билан бепул, яъни ҳеч қандай тўловларсиз берилди. Эътиборли жиҳати, бу уйларга кўчиб келганларни ҳам уларнинг имкониятига қараб иш билан таъминлади.

— Президентимиздан жуда миннатдорим, у кишига мингдан-миг раҳмат айтмоқчиман, — дейди касаначи Сафаргул Исмоилова. — Боиси мен у кишининг эътибори билан Ватанли бўлдим, яъни уй-жойга эга бўлдим. Ишонасизми, ногирон эрим ва 3 нафар фарзандим билан аввалга 13 йил ижарада яшадик. Сўнгги 5 йилда қаровсиз ётган дала шипонида истиқомат қилдик. Бу ҳаётда неки қийинчилик бўлса, ҳаммасини бошимдан ўтказдим. Айниқса, сўнгги уч йилда оиламнинг бир кўнлик озик-овқатига етадиган пул топсам, мендан бахтли инсон йўқ эди. Чунки уч йил олдин ногирон бўлган эрим ҳам оламдан ўтиб қолганди. Бир кўли ишламаса ҳам, оиламиз учун кўлидан келганча ҳаракат қилиб, пул топиб келарди-да. Шундан сўнг, фарзандларимни боқиб аёл бошим билан ўзимга қолиб кетди. Маълумотим йўқлиги боис, жуда кўп жойлар ишга олмади. Шундан сўнг кўнлик ҳақ тўлайдиган ишларда ишлаб, рўзгорни тебрата бошладим.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ногиронлиги бўлган, боқувчисини йўқотган, ҳам таъминланган оилаларга уй берилётганини эшитиб, мен ҳам масъул идораларга мурожаат қилдим. Оху-нолаларим яратганга этиб бориб, менга ҳам давлатимиз томонидан бепул 2 сотих, 3 хонали рўзгор учун зарур бўлган барча жиҳозлар билан таъминланган уй-жой берилди. Қўшимчасига, касаначилик қилиш қўлимдан келишини айтгандим, туман ҳокимлиги томонидан менга тикув машинаси беришди. Ҳозир уйда тикувчилик қилиб пул топяяпман. Бундан ташқари, пахта терими мавсумида шартнома асосида кўнгили бўлиб пахта тердим ва мавсум давомида 9 миллион сўмга яқин пул ишлаб олдим. Ушбу пулимга ҳовлимдан кичикроқ осикихона қуриб, хозирда помидор ва бодиринг етиштирияман. Аввало, бу пулим маҳсулотлари ҳосилга кирса, рўзгоримизга ишлатамиз, ортганини эса борзорга қилиб чиқамиз. Бу ҳам оиламизга қўшимча даромад олиб келади. Бир сўз билан айтганда, бугунги ҳаётимдан жуда мамнунман.

«Ховос сити»да амалга оширилган улка бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиб, у ерда истиқомат қилаётган одамлар билан суҳбатлашиб, шуни англадикки, одамлар ўзларига кўрсатилаётган эътибордан мамнун. Уларнинг эртанги кунга ишончи баланд. Шу каби ўй-хаёллар билан Ховос туманидан Мирзаобод туманига йўл олдик.

«ЯНГИ ЎЗБЕКISTON» ШАҲАРЧАСИ МИРЗАОБОД ТУМАНINIНГ КЎЗМУНҚОБИГА ҲАМ ЯҚИН

Бугунги кунда барчамизга маълумки, Сардоба сув омбори тўғрисида эришиш оқибатида 2 минг 211 та хонадон яроқсиз ва 2 минг 499 таси таъмирталаб ҳолатга келиб қолган эди. Давлатимиз раҳбари ўшанда бу аҳолини кўриб, вайрон бўлган маҳаллаларни нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки ундан-да яхши қилиш, ҳаммамнинг ҳаваси келадиган масканга

айлантиришга ваъда берган эди.

Шу мақсадда урта ҳудуд танланиб, 50 гектар майдонда 86 та 5 қаватли уй-жой барпо этилди. Хусусан, Сардоба тумани «Дўстлик» маҳалласида 37 та, Мирзаобод тумани «Ҳақиқат» маҳалласида 40 та ҳамда «Навбахор» маҳалласида 9 та уй-жой қурилди. Уларда жами 2 минг 640 хонадон мавжуд. Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси билан ушбу туманларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, таъмирталаб хонадонлар замонавий қилиб таъмирланиб, саннат корхоналари, мактаб, боғча, шифохоналар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.

Хусусан, Сардоба туманидаги «Дўстлик», Оқолтин туманидаги «Янги Тошкент», Мирзаобод туманидаги «Янги Ўзбекистон» маҳаллалари ҳудудларида янгидан барпо этилган корхоналар, яъни «Сардоба текстиль», «Нурли келажак» ҳамда «Нафис либослар» корхоналари ишга тушиши натижасида бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг кўпчилиги доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, аҳолига янада қўлайлик яратиш мақсадида 184 километр йўл, 19 та кўприк, 4 та электр подстанцияси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 66 километр узунликда газ қувурлари тортилиб, 47 донга газ тақсимлаш қурилмаси ҳам ўрнатилди. Қолаверса, 89 километрлик ичимлик суви тармоғи, 11 та сув тақсимлаш иншооти ва 7,9 километрлик оқова суви тармоқлари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Президентимиз бунёдкорлик ишлари билан танишиб, мақсадида жорий йилнинг 13 октябрь куни Сирдарё вилоятига келганда, дастлаб Мирзаобод туманидаги «Ҳақиқат» маҳалласига таширф бурюди. Кўп қаватли замонавий уйлар, шинам обод ҳовиллари бўлган бу маҳалла «Янги Ўзбекистон», деб номланган эди.

«Янги Ўзбекистон» дейилганда ҳам маъно бор. Агар ҳалқимизга маъқул бўлса, бундай уйларни бошқа ҳудудларда, аҳоли зич шаҳарларда ҳам қурамиз. Ҳар бир мавзе ёнида уш уйларни ҳам ташкил этамиз. Умуман олганда, қуриш ва яшаш маданиятимиз ўзгариши керак, — деганди Президент.

Аслида, «Янги Ўзбекистон» маҳалласи ҳудудидаги 12 гектар майдон 40 та беш қаватли, икки ва уч хонали 800 хонадонли уйлاردан иборат. Турар-жойларни қуришда энергетикакор материаллардан фойдаланилган ҳолда беш ой мудатда қуриб битказилди. Шунингдек, янги мавзеда маҳалла гузари, дўкон, кутубхона, болалар майдончалари ҳам барпо этилган.

«Янги Ўзбекистон» маҳалласида амалга оширилган ишлар билан танишаётган вақтимизда кўп қаватли уйлardan бирига кўчиб келган Нигора Мамасолиева билан суҳбатлашиб қолдик.

— Бу воқеа хотирамда бир умрга сақланиб қолса керак, — дейди у. — Жорий йилнинг 1 май кунини эрталари соат 7 лар эди. Бизга Сардоба сув омбори тўғрисида эришиб, сел келётганини айтишди ва биз ўз жонимизни сақлаш мақсадида уйимиз ва ундаги бор жиҳозлар-у, мол-ҳоллимизни ташлаб, хавфсиз ерга этиб олдик. Шундан сўнг орандан ўн кун ўтиб, уйимизни кўргани борганимизда, уйимиздан асар ҳам қолмаган экан.

Бу воқеани эслаш менга жуда оғир. Ўз уйинг, ўлан тўшагинг, деб бежизга айтишмаган. Ўша вақтда кўнглимдан ўтган дахшатли фикрларни сўз билан ифода этиш жуда мушкул. Энди нима қиламиз, эрим ногирон, 3 нафар фарзандим билан қаерга бораман, қандай қилиб уй қураман, деган савол мени дахшатта соларди. Президентимизга чин юракдан раҳмат айтмоқчиман. Шундай оғир вазиятда бизни ёлғизлатиб қўймади. Сув тошқинидан зарар кўрганларнинг ерлари ўзларига қолди. Қўшимчасига, оиласига қараб 2-3 хонали кўп қаватли уйлardan хонадон берилди. Ҳар бир зарар кўрган уй эгаларига 40 миллион сўмдан пул ҳамда 10 миллион сўмлик ўй-жиҳозлари ҳам берилди. Бизга бундан ортиқ яна нима керак. Биз бундан жуда хурсандим. Энди ўзимизда қолган еримизда деҳқончилик қилиб, даромад олиб, уй қураамиз. Шунда иккита уйли бўлган ҳисобланамиз.

Тўғриси айтганда, бу ўзгаришлар ва янгиланишлар, одамларнинг ҳаётдан, эътибордан мамнунликлари кўриб, ҳаёлга кўп фикрлар келади. Ахир бу воқеалар ийрик асарларга, бадиий фильмларга мавзу-ку... Иждоқорлар зиммасидаги вазифа-ку, қарз-ку...

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

КУНЛАР СОВУМАЙ ТУРИБ...

Мамлакатимизда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш баробарида фуқароларимизнинг соғлиғи, ҳаёти ҳамда мол-мулкни асраш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Қайд этиш кераки, қурилатган чораларга қарамадан айрим фуқароларимизнинг лоқайдлиги ва бепарволиги туфайли ёнгинлар содир бўлмоқда. Бу кўнгилсиз ҳодисалар натижасида инсонларнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Ёнгин хавфсизлигининг оддий қоидаларига риоя қилинмаслик оқибатида ис газидан заҳарланиш нисбатан кўпайганлиги кузатилмақда. Айрим фуқароларимизнинг иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланаётгани кишини жиддий ўйлантирадиган ҳамда хавотирга соладиган бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Масалан, газ плита орқали очик оловда хонани иситиш, суюлтирилган газ (пропан)да ва кўйилган печлардан фойдаланиш тақиқланганга одамлар эътиборсиз қарашмоқда. Бунинг оқибатида ис газидан заҳарланишга содир бўлмоқда. Республикаимиз ҳукумати томонидан бундай фавуқлода вазиятларнинг олдини олиш мақсадида комплекс ис режаси тасдиқланиб, жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, газ таъминоти ташкил этувчи, газдан фойдаланиш хавфсизлигини назорат қилувчи, ёнгин хавфсизлигини, фавуқлода вазиятларнинг олдини олувчи, оммавий ахборот воситалари ва бошқа мутасадди ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Ушбу режага қўра, дуудирон-мурикон ва шаомоллати каналларини қўриқдан ўтказиш, уларнинг техник соғлиғини таъминлаш борасида ишларни амалга ошириш ҳам белгиланган.

Бугун аниқ қишга тайёрлик ишлари қизғин оғиб боришмоқда. Туман фавуқлода вазиятлар бўлими томонидан турар жойларда, муассаса, корхона ва ташкилотларда иситиш мосламалари, қозонхоналарнинг тутун қурувлари (вентиляция)ни текшириш, уларнинг ёнгин хавфсизлиги ва ёнгин хавфсизлиги техникаси ҳамда қоидаларига зид ҳолатларни бартараф қилиш бўйича тизимли тадбирлар ўтказилмоқда. Поёнтахтимизда жуда кўп қурилушлар бўляпти. Бу яхши. Бироқ қурилушда ҳам ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш талаб этилади.

Бироқ бу соҳа бўйича билим ва малакага эга бўлмаган айрим фуқароларимиз МЧЖ ниқоби остида фаолият юритиб, асосий мақсади моддий манфаат қўриш бўлганлиги сабабли ҳам ис газидан заҳарланиш ҳолатлари кўпайиши. Ҳар соҳанинг ўз эгалари бўлади. Бунинг учун ўқиб, ўрганиш талаб этилади. Бизнинг соҳа ҳам худди шундай. Унинг нозик томонларини ҳар ким ҳам билавермади.

Шу ўринда яна бир гап. Айрим фуқароларимизнинг кундулик турмушда иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланишлари нафақат ўзларига, балки оила аъзоларига, яқинларига ҳам қулфат келтирмоқда. Озгина бепарволик, эътиборсизлик, эҳтиётсизлик фожияга олиб келмоқда. Бундай нохушликларнинг олдини олиш учун эса оддий қоидаларга риоя қилишимиз керак бўлади.

Баҳодир КЕНЖАҚУЛОВ,
Мирзо Улугбек тумани
Фавуқлода вазиятлар бўлими норматив техник бўлимчиси бошлиғи, майор.
Фуркат ТУРСУНОВ,
туман Фавуқлода вазиятлар бўлими ёнгин назорати ва профилактика бўлимчиси бошлиғи, майор.

Президентимиз 2019 йил 19 февралда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Сирдарё вилоятига таширф чоғида Ховос туманида ҳам бўлиб, бу қадим маскан бугунги давр тараққиётдан бирмунча орқда қолаётгани, илдизи 2500 йил нарига бориб такаладиган кўна Ховос шаҳарчаси негизда одамларнинг яшаш учун қўлай бўлган замонавий шаҳар қурилиши Бош режаси билан танишиб, уни янада такомиллаштириш борасида зарур курсатмалар берган эди. Шундан сўнг ўша йилнинг март ойи бошидан «Бунёдкор» маҳалласидаги 42 гектарлик ҳудуд улкан қурилиш майдончасига айланди.

— «Ховос сити»да белгилаб лойиҳага биноан маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Давлат хизматлари агентлиги, тижорат банклари, турар-жойлар, мактаблар, истироҳат боғи, Хотира майдони, кутубхона, китоб дўкони, кинотеатр, деҳқон бозори, саудо ва машиини хизмат кўрсатиш шохобчалари, 30 та кўп қаватли уйлар барпо этилиши режалаштирилган эди, — дейди Ховос тумани ҳокимининг капитал қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича ўринбосари Санжар Пулатов. — Бугунги кунда бу турар-жой қурилиб, 780 та замонавий хонадон барпо этилди ва хонадон эгаларига калитлари топширилмоқда. Тўғриси айтганда, мамлакатимизда коронавирус пандемияси ҳамда вилоятимиздаги Сардоба сув омборидаги тошқин сабабли «Ховос сити»да қурилиш ишлари белгилаб лойиҳага биноан бироз кечикканини маълумот ўрнида айтишим лозим. Аммо, ўқоридаги ҳолатларга қарамадан, «Ховос сити»да қисқа вақт ичига Меҳнат ва бандликка кўмаклашиш маркази, Халқ банки, Кадастр хизмати, туман электр тармоқлари корхонаси, туман ҳокимлиги тармоқи, «Хотира майдони» макмуаси ҳамда аҳоли дам олиш масканлари каби қатор объектлар қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, кўп қаватли уйларга кўчиб келган аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида ушбу уйлар атрофида 29 та тандирхона ва 8 та «Болалар майдончаси» қурилиб, фойдаланишга топширилди.

